

## **ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МУҲИМ ТАМОЙИЛЛАР**

**Салимов Бахриддин Лутфуллаевич.**

Тошкент давлат транспорт университети профессори в.б.

**Неъматов Абдужаббор Ғулом ўғли.**

Тошкент давлат транспорт университети талабаси.

**Шарофиддинов Шохрухбек Саҳобиддин ўғли.**

Тошкент давлат транспорт университети талабаси

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада одамларнинг биргаликда яшаб, барча моддий ва маънавий мулкларга муаммоларсиз умумий эгаллик қилишлари ҳамда тенгликда ҳаёт кечиришлари афзалиги, аммо, реал ҳаётда шундай яшаиш мумкин ёки эмаслиги масаласи қўйлади. Шунингдек, Ижтимоий муносабатларни тутиб турувчи муҳим халқа сифатида эътироф этилувчи қонунлар муайян талабларга жавоб бериши, халқнинг хоҳиш-иродаси ва талаб-истакларини ўзида ифода этиши зарурлиги таъкидланган.*

**Калит сўзлар:** тенглик, умумийлик, мулк, оила, одат, тарбия, қонун.

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье ставится вопрос о том, возможно ли людям жить вместе, без проблем иметь общее владение всем материальным и духовным имуществом, жить в равенстве. Также было подчеркнуто, что законы, признанные важными нацией, которые регулируют общественные отношения, должны отвечать определенным требованиям и выражать волю и требования народа.*

**Ключевые слова:** равенство, общность, собственность, семья, обычай, воспитание, право.

### **ABSTRACT**

*The article raises the question of whether it is possible for people to live together, to have common ownership of all material and spiritual properties without problems, and to live in equality. Also, it was emphasized that the laws recognized as an important nation that hold social relations should meet certain requirements and express the will and demands of the people.*

**Key words:** equality, community, property, family, custom, education, law.

### **КИРИШ**

Платоннинг фалсафий қарашларида қонун устуворлиги тамойили тенглик, умумийлик тамойиллари билан уйғунлашиб кетади<sup>1</sup>. Платон ижтимоий

<sup>1</sup> Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophical analysis of ancient greek scholars on social relations. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(07), 94-101.

муносабатларда адолат тамойилини бузилиши негизида хусусий мулкнинг ортиб кетиши, соддароқ қилиб тушунтирганда бойликда дея тушунади ва бой одамга қуйидагича таъриф беради: «Бой деб жуда катта маблағ билан баҳоланадиган мулкни ўзлаштирган айрим одамларни айтадилар, гарчи у яхши одам бўлмасида»<sup>2</sup>. Бироқ, бу фикр буткул тўғри эмас. Негаки ҳамма бой одамларни яхши одамлар эмас деб баҳолаш адолатдан бўлмайди. Худди шунингдек, барча камбағал одамларни яхши одамлар дея баҳолаб бўлмаганидек. Чунки инсониятнинг бирон-бир тоифа, табақа ёки касб-хунар вакиллари хаммасини яхши, ёйинки барчасини ёмон деб ҳисоблаш мантиқсизликдир.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Платон ҳамма нарса умумий деган фикрни ўртага қўйган. Бунга ҳам шубҳа билан қараш керакка ўхшайди. Бунда асосий масала – одамларнинг биргаликда яшаб, барча моддий ва маънавий мулкларга муаммоларсиз умумий эгалик қилишлари ҳамда тенгликда ҳаёт кечиришларидир. Аммо, реал ҳаётда шундай яшаш мумкинми? Бизнинг назаримизда бу саволга йўқ деб жавоб бериш тўғри бўлади. Таъкидлаш жоизки антик даврининг яна бир буюк алломаси Аристотель ўз даврида Платон қарашларига мутлоқо қарама-қарши бўлган ўз фикрларини баён этган.

«Умуман олганда биргаликда яшаш осон эмас. Айниқса, инсоний ўзаро муносабатларда барча нарсаларга умумий иштирок этиш масалаларида ушбу жиҳат алоҳида аҳамият касб этади»<sup>3</sup>. Жуда тўғри топиб айтилган гап. Бироқ, жамоанинг биргаликда яшаш билан, оилавий биргаликда яшашнинг фарқига боришимиз лозим. Ушбу иборани икки хил маънода талқин этиш мумкин. Биринчиси оилавий – маиший турмуш сифатида бўлса, иккинчиси, умумжамият шароитида моддий – маънавий бойликларга биргаликда эгалик қилиш ва фойдаланишдир. Биргаликда яшашнинг афзалликлари, қулайликлари оилавий – маиший турмуш жараёнларидаги аҳамияти катта. Ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва барқарор фаолият кўрсатиши оила институтига ҳам боғлиқдир. Аристотель фикрига кўра ҳам «Ҳар қандай оила давлатнинг муайян қисмларини ташкил этади»<sup>4</sup>. Ушбу хулоса эса ҳозирги кунда бизларга ёд бўлиб қолган «Оила – жамиятнинг бир қисмидир» деган иборага жуда-жуда мос келади. Бу биринчи талқин бўлса, энди иккинчи талқин

<sup>2</sup> Lutfullaevich, Salimov B. "The Manifestation of Dialectical Principles in the Life of the Human and Society." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 112-117.

<sup>3</sup> Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

<sup>4</sup> Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophical analysis of ancient greek scholars on social relations. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(07), 94-101.

бўлган, умумжамият шароитида моддий – маънавий бойликларга биргаликда эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳақида тўхталадиган бўлсак, айтиш мумкинки, бу масалада биринчи талқиндаги каби ижобий хулосаларга келиб бўлмаса керак. Аристотель ибораси билан айтганда «Мулкка умумий тарзда эгаллик қилиб, ундан биргаликда фойдаланадиганлар орасида ўзаро келишмовчиликлар анча юқори даражада бўлади<sup>5</sup>». Келишмовчиликлар кишилар ҳаётидаги «қашшоқлик эса нафрат ва жиноятларнинг манбаси»<sup>6</sup> бўлиб жамият ҳаётида қарама-қаршиликларнинг кучайиб боришига асос бўлган. Кундан-кунга камбағаллашиб борган қуйи табақа вакиллари мол-мулклари тобора кўпайиб бораётган табақа вакилларига доимо адоватда бўлиб келганлар ва вужудга келган улар назаридаги ушбу наҳақликларга барҳам беришни пайида бўлганлар. Ўз мақсадларига эришиш йўлида баъзан очикча кураш олиб борган бўлсаларлар, баъзан эса пинҳона пинҳона кураш олиб бориб, қулай фурсат келишини узоқ йиллар кутишган. Улар орасидан ўз мақсадларига етиб, қуйи табақадан ҳукмрон табақага айланганлар ҳам бўлган. Лекин, улар ҳукмрон табақага айлангач, аввалги ҳолатларини унутишган, жамиятда адолатни таъминлай олмасдан ўз ўтмишдошларининг ишларни, хатоларини давом эттиришган. Натижада тарих ғилдираги бошқатдан айланишини бошлаган. Хўш, кишилиқ жамоаси тенгликда, аҳилиқда яшаши учун нима қилиш керак?

Аристотель фикрича кишилар орасидаги ёмон иллатларга қарши курашишда қуйидагилар самарали дори-дармон вазифасини ўтайди:

« – биринчидан, унча катта бўлмаган хусусий мулк ва меҳнат;

– иккинчидан, сабр-қаноат;

– учинчидан, фалсафа, чунки у ўзида ҳаёт шодликларини бўлишини истаганлар учун талаб этиладиган мувафақиятни таъминлашда муҳим воситадир»<sup>7</sup>. Шунини таъкидлашимиз мумкинки, ушбу мулоҳаза эътиборга молик. Биринчидан, одамларда унча катта бўлмаган хусусий мулкнинг бўлиши уларни нормал ҳаёт кечиришлари учун етарлидир. Энди ўша мулкни сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун эса албатта меҳнат қилиш зарур. Иккинчидан, кимларгадир хусусий мулк бўлмаса у сабр-қаноат қилса, у келгусида унга эга бўлиши мумкинлиги назарда тутилади. Учунчидан, жамиятдаги бошқа ижобий жиҳатларни таъминлаш учун одамлар орасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик

<sup>5</sup> Lutfullaevich, Salimov B. "The Manifestation of Dialectical Principles in the Life of the Human and Society." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 112-117.

<sup>6</sup> Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophical analysis of ancient greek scholars on social relations. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(07), 94-101.

<sup>7</sup> Lutfullaevich, Salimov B. "The Manifestation of Dialectical Principles in the Life of the Human and Society." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 112-117.

зарур. Бунга эса, файласуфона мушоҳада юритиш билан, яъни файласуфлик билан эришиш мумкин.

Умуман, олганда Аристотель кишилик жамиятига ва ундаги ижтимоий муносабатларга юқори баҳо беради. Улар инсоннинг барча жонзотлар ичидан ажратиб турувчи, унинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан ривожланган, бунёдкорлик ва эзгуликни ўзида мужассам этган юксак биоижтимоий мавжудот деб билади. «Бундай юксак такомилга фақат жамиятда, ижтимоий муносабатлар доирасида эришилади. Аксинча, жамият, ижтимоий муносабатлар ҳамда унинг таркибидаги ҳуқуқ ва қонунларлардан ташқарида яшовчи инсон жонзотлар орасидаги энг ярамас мавжудотга айланади»<sup>8</sup>.

Конфуций бу борада шундай ёзади: «Қонун бўйича бошқариш, жазолаш йўлга қўйилса, халқ сергакланадию ор-номус нималигини ўйламайди. Бошқариш эзгулик асосида бўлиб, урф-одатларга амал қилинса, халқ уялибгина қолмай, итоаткорлик ҳам қилади»<sup>9</sup>. Ушбу ибора бугунги кунда мамлакатимизда миллий қонунчиликни ривожлантиришда муҳим тарихий манбаа сифатида хизмат қилишига шубҳа йўқ. Тарихий тажриба ҳам шуни исботлаганки, қонунчиликнинг барча давлатлар ёки халқлар учун бирдек мақбул келадиган универсал варианты йўқ. Ҳар бир ҳудуднинг географик жойлашуви, демографик ҳолати, халқининг менталитети, тарихи, маданияти ва бошқа жиҳатлари ўзига хос тарзда бўлади. Ана шу ўзига хосликлар унинг ижтимоий муносабатларини, жумладан қонунларининг мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Ижтимоий муносабатларни тутиб турувчи муҳим халқа сифатида эътироф этилувчи қонунлар бир қарашда жуда осонлик билан яратилиб, бир текисда, зиддиятларсиз мавжуд бўлгандай кўринсада, аслида ундай эмас. Зотан, қонунлар йўқ жойдан бирданига пайдо бўлиб, халқ ҳам дарров уни қабул қилиб кетавермайди. Бундай бўлиши учун эса қонунлар биз юқорида айтиб ўтган талабларга жавоб бериши, халқнинг хоҳиш-иродаси ва талаб-истакларини ўзида ифода этиши даркордир. Аввалроқ таъкидлаганимиздек, қонунлар негизида урф-одатлар ва қадриятлар турсагина у кутилган самарани беради. Шунда давлат раҳбарлари билан халқ орасида тушунмовчиликлар келиб чиқмайди. Акс ҳолда, «Урф-одатларсиз, - дейди Конфуций, - эҳтиром – безовталиққа, эҳтиёткорлик – кўрқоқликка, дадиллик – ғалаёнга, тўғрилиқ – дағалликка олиб келади».

<sup>8</sup> Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophiacal analysis of ancient greek scholaks on social relations. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(07), 94-101.

<sup>9</sup> Салимов Б. Л., Мазбутов Д., Жўраев А. (2022). ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРДА ТЕНГЛИК ВА ТЕНГСИЗЛИК ҚОНУНЛАР ВА УРФ -ОДАТЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ. Journal of Integrated Education and Research, 1(6), 11–17.

Хўш урф-одатларни ўзи нима? Унинг таъсир кучи Конфуций эътироф айтганидек шунчалик юқорими? Қўйилган бу саволларга жавоб берарканмиз, аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, инсонни – инсон, миллатни – миллат, халқни – халқ, давлатни – давлат сифатида шаклланишида урф-одатларнинг таъсири беқиёсдир. Бу ижтимоий муносабатларнинг натижасидир. Усиз ҳеч бир мамлакат ўзининг буюк келажагини қура олишининг имкони йўқ. Зеро, буюкликнинг замирида минг йиллик тарихга эга ва ўзига хос бўлган қадриятлар йиғиндиси бўлган урф-одатлар туради. Уларда миллат ва халқнинг кўп йиллик тарихи, қизиқиши, мақсад – муддаолари ифодалангандир. Урф-одатларни асраб – аввайлаш, билиш, ўрганиш ва улардан оқилона фойдаланиш замон талабидир. Шундай экан ижтимоий муносабатларни ҳамда унинг муҳим элементи бўлган қонунларни ҳам урф-одатлардан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Қачонки, қонунлар урф-одатларга таянилган ҳолда яратилар экан, унинг таъсир кучи ҳам юқори бўлади. Негаки, бундай қонунлар халққа бегона бўлмайди, аксинча, яқин бўлади. Бунга асосий сабаб, уларда халқ манфатларига устувор аҳамият берилгандир. Натижада давлат раҳбарларининг давлатни бошқаришлари осонлашади. Конфуций ибораси билан айтганда: «Хоқон урф-одатларга амал қилган ҳолда фуқароларни бошқаради; фуқаролар ҳам хоқонга рўйрост хизмат қиладилар»<sup>10</sup>.

Шу ўринда бир нарсани унутмаслик керакки, юқоридаги фикрлардан зинҳор жамиятни биргина урф-одатларга асосланган ҳолда бошқариш лозим экан деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Тўғри урф-одатларни ижобий аҳамиятлари кўп, биз юқоридаги мулоҳазаларимизда бу ҳақда тўхталиб ўтдик. Лекин, диалектика қоидаларини бир эслайлик, унга кўра оламдаги ҳамма нарса – ҳодисалар ўзгаришда ва ривожланишдадир. Демакким, урф-одатларни замон руҳиятига мослаштирмасак ёки бугунги кун тартибларини инобатга олмасдан кўзланган мақсадга етишиш даргумон. Бу борада Конфуций шундай дейди: «Агар тепадагилар жамиятни бошқаришда урф-одатлар ва нарсалар тартибига амал қилсалар халқ уларга ҳурматсизлик кўрсатишга журъат қилмайди»<sup>11</sup>.

## **ХУЛОСА**

Бизнинг назаримизда, тартиб деганда Конфуций ҳам ўз даврининг талаблари ва тартиб-қоидаларини назарда тутган бўлиш эҳтимоли катта. Чунки

<sup>10</sup> Салимов Б. Л., Мазбутов Д., Жўраев А. (2022). ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРДА ТЕНГЛИК ВА ТЕНГСИЗЛИК ҚОНУНЛАР ВА УРФ -ОДАТЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ. Journal of Integrated Education and Research, 1(6), 11–17.

<sup>11</sup> Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

тартиб бу нарса – ҳодисаларнинг маълум бир давр оралиғида тегишли қонун-қоидалар асносида воқелиқда намоён бўлишидир. Шундай экан тартиб ўзида ўзгаришларни, тараққиётни ва ривожланишни ҳам қамраб олади. Бу ўз-ўзидан бевосита ижтимоий муносабатларга тегишли жараён дир. Зеро, ижтимоий муносабатларнинг бардавомлигини тартибсиз тасаввур этиб бўлмайди. Тартиб – ижтимоий муносабатларнинг узлуксиз такомиллашувини таъминлаб беради. Тартибга эга бўлмаган ижтимоий муносабатларнинг келажаги ҳам бўлмайди. Хоҳ яққа олинган инсон ҳаётини олинг, хоҳ оила, жамоалар борингки жамият миқёсида ҳам тартиб бўлиши тақозо этилади. Ижобий тушунча сифатида эътироф этиладиган тартиб бўлган жойда ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ва келгусида ҳам ижобий тенденциялар биргалиқда намоён бўлишини кузатишимиз мумкин. Конфуций ўз даврида айтиб ўтганидек, «Юқори табақа дао ва ли тартибларини севса, қуйи табақа шод бўлса, жамиятда осойишталик ва камолот қарор топади». Бу ўринда дао ва ли ўша замон учун энг илғор тартиблар, яъни энг мақбул тараққиёт йўли саналган.

## REFERENCES

1. Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophical analysis of ancient greek scholars on social relations. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(07), 94-101.
2. Бахриддин Лутфуллаевич Салимов (2022). ЖАМИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИДА БОШҚАРУВ ВА ТАРБИЯ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (11), 359-365.
3. Lutfullaevich, Salimov B. "The Manifestation of Dialectical Principles in the Life of the Human and Society." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 112-117.
4. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.
5. Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.
6. Салимов Б. Л., Мазбутов Д., Жўраев А. (2022). ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРДА ТЕНГЛИК ВА ТЕНГСИЗЛИК ҚОНУНЛАР ВА УРФ - ОДАТЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(6), 11–17.